

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 494.3:371-4

АТАМУРОВА РОҲИЛА ҚАРШИЕВНА

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АБДУЛЛА ОРИПОВ
ИЖОДИНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ**

13.00.05 – Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси
(ўзбек адабиёти)

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Тадқиқот иши Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Марғуба Миркобиловна МИРҚОСИМОВА

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Қозоқбой Бойбекович ЙЎЛДОШЕВ

педагогика фанлари номзоди
Барно Мухаммаджоновна АБДУРАҲМОНОВА

Етакчи ташкилот: Гулистон давлат университети

Химоя 2011 йил 35 май куні соат 14 да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К067.44.03 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100138, Тошкент: Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9^а мавзеси, 21-А уй. Тел.: (8371) 275-77-95, E-mail: http://uzswlu.uz/uz_ik2.html

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (100138, Тошкент: Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9^а мавзеси, 21-А уй).

Автореферат 2011 йил 22 апрел да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, педагогика
фанлари номзоди, доцент

Наб

К.Набиева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. XXI асрнинг биринчи чораги дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган давр бўлиб, турли мафкуралар тўқнашуви кескин тус олаётир. Бугунги кунда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат қудрати билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Ёшларни Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, аجدодларимиз яратган улкан маънавий бойликка садоқат руҳида тарбиялаш; эл-юрт манфаатлари йўлида яшаб, меҳнат қиладиган юртсевар, миллатпарвар, фидойи ёшларни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Адабий таълим жараёнида А.Орипов каби сўз санъаткорлари ижодини самарали таълим усуллариغا таяниб ўргатиш воситасида ўқувчилар маънавиятини юксалтириш ҳам долзарб масалалардан биридир. Ўқувчи ёшлар қалбида юксак инсоний туйғулар чуқур илдиз отиши жамият маънавий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади, маънавиятнинг қудратли кучга айланиши тезлашади. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият онгсиз ва заиф нуктага айланади», – деган эдилар¹.

Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган, қудратли таъсир кучига эга бадий адабиёт воситасида ёшлар маънавиятини юксалтириш мумкинки, бу ўта муҳим вазифани адабий таълим амалга оширади.

Мустақиллик йилларида адабий таълим жараёнида шоир ёки ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш воситасида ёшларга эл ардоғидаги яратувчи, фидойи, истеъдодли сўз санъаткорларини танитиш ва ибрат қилиб кўрсатиш; ижод намуналарини таҳлилу талқин қилиш орқали улар шахсиятига ўқувчини яқинлаштириш, фазилатлари ва ўзига хос тафаккур тарзини, руҳиятини англаштириш; ҳар бир ижодкорнинг бетақрор бадий олами, этиқоди, дунёқараши моҳиятини, кечинма ҳамда туйғулари замиридаги маъноларни тушунишга қўмаклашиш энг самарали йўл эканлиги исботланди. Мазкур диссертация ишида Ўзбекистон Қаҳрамони шоир А.Орипов каби эл хурматида сазовор бўлган истеъдод эгаси ижодини умумий ўрта таълим, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари адабий таълимида илғор таълим методлари ва усуллариغا таяниб ўргатиш орқали ўқувчилар маънавиятини юксалтириш муаммоси махсус илмий тадқиқот иши доирасида ўрганилганлиги унинг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Шоир ёки ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўргатиш масаласи мустақилликкача бўлган даврда ҳам, истиқлол даври адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида ҳам изчил тадқиқ қилинган. Аммо ўтган асрнинг 60-90-йиллари оралиғида олиб борилган тадқиқот ишлари учун умумий хусусият шоир ёки ёзувчи киёфасини белгилашда

¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., – Маънавият. – 2008. 116-6.

ғоявийлик, партиявийлик ва синфийлик мезонларига таянишда кўзга ташланади. Кейинги даврда ижодкорнинг истеъдод соҳиб сифатидаги ижодий қиёфасига ўқувчи диққатини тортиш; инсоний қалбини, руҳиятини яратган асарлари таҳлили орқали ҳис қилдириш; яратган бадий оламнинг бетакрорлиги аломатларини аниқлаш, асарларнинг ўзига хос услубда яратилганлигини тадқиқ қилишга ўргатиш масаласи методист олимларнинг диққат марказида турибди. Профессорлар Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзматова каби олимларнинг айрим мақола, тадқиқот ишлари, монография, методик қўлланмаларида масалага янги ёндашув кўзга ташланади.

Айтиш керакки, соф адабиётшунослик йўналишида А.Орипов асарлари атрофлича ўрганилиб, бир қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари тайёрланган. Булар орасида Н.Афоқованинг 1997 йилда ёқланган “Абдулла Орипов шеърларида бадий санъатлар”, Ж.Жумабобоевнинг 2000 йилда химоя қилинган “XX аср ўзбек шеърларида психологик тасвир маҳорати”, Г.Эрназарованинг 2001 йилда ёзилган “XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадий талқини”, Г.Ашурованинг 2008 йилда яратилган “Абдулла Орипов шеърларида анъана ва бадий маҳорат” каби докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳамда 2001 йилда улкан адабиётшунос, академик Матёқуб Қўшжонов ва таниқли олим Сувон Мелиев томонидан яратилган “Абдулла Орипов” монографияси алоҳида ажралиб туради.

Аммо, узлуксиз таълим босқичларида Абдулла Орипов ижоди намуналарини ўргатишнинг педагогик ва методик қирралари етарлича тадқиқ этилган деб бўлмайди. Бу хусусда С.Аҳмедов, Б.Қосимов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаевлар томонидан яратилган 5- синф “Адабиёт” дарслиги ва бу дарсликдан фойдаланиш бўйича “Адабиёт 5” методик қўлланмаси ҳамда Қ.Йўлдошев, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбековлар томонидан яратилган 9- синф “Адабиёт” дарслиги ва ундан фойдаланиш юзасидан ёзилган “Адабий сабоқлар 9” методик қўлланмасидаги мақолалар ҳамда “Тил ва адабиёт таълими” журналида турли йилларда чоп қилинган айрим чиқишлардан бошқа эътиборга лойиқ бирор илмий-методик тадқиқот йўқ¹.

Профессор Қ.Йўлдошев «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари» номли қўлланмасида: «...адабиёт дарсликларида ҳамиша ёзувчиларнинг таржимаи ҳолларига оид маълумотлар берилади. Бу маълумотлар, қўпинча, бир неча синфларда тақрор-тақрор келтирилади ва бир-биридан жиддий фарқ қилмайди. Юқори синфларда эса таржимаи ҳолга жуда катта ўрин ажратилиб, адибнинг ҳаёт ва ижод йўлига анча батафсил тўхталинади. Шу вақтга қадар амалда бўлиб келган дарсликлардаги бу хил маълумотларда асосий эътибор адибнинг индивидуал қиёфасини, инсон сифатидаги ўзига хослигини, ижодкор сифатидаги руҳиятини очишга эмас, балки айни шу

жиҳатларни кўрсатмасликка хизмат қилар эди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларимиз адибларни фақат исми шарифи ва ёзган асарларидангина фарқлай олишарди, холос. Уйғун, Гафур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари ижодкорларнинг ҳаёт йўллари бир-бирига жуда ўхшаш тарзда талқин этилар эди», – деб ёзган ва диққатимизни муайян шоир ҳаёти ва ижодини ўргатишдаги асосий нуқсонга қаратган¹. Ҳолбуки, олим куюниб таъкидлаганидай, ҳар бир сўз санъаткорининг ўзига хос ижодий қиёфасини услуби ва бадий оламига хос бетакрорлик аломатларини ўқувчига тушунтиришда улар яратган асарлари таҳлиладан фойдаланиш лозимки, профессор Б.Тўхлиев «Адабиёт ўқитиш методикаси» дарслигида ана шу масалага диққатни қаратган².

«Бундай қарашларни муайян даражада тўлдириб, адабий таълимда ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўрганишдан кўзланувчи бош мақсад яратувчи шахсга хос хислатларни ўқувчи кўз ўнгига жонлантириш, намуна тарбиясини адо этиш баробарида ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос, бетакрор бадий оламига ўқувчини олиб кириб, унинг жозибасидан, гўзаллигидан баҳра олишга, ижодкор қиёфасининг етакчи белги ва хусусиятларини ҳис қила олишларига эришиш ташкил этмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз», – деб ёзади педагогика фанлари номзоди О.Усмонова «Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда адабий таҳлил ҳамда талқиндан фойдаланиш» номли методик қўлланмасида³. Олиманинг шу номдаги илмий тадқиқот ишида истиқлолгача бўлган давр адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш ахvoli; бу борада таҳлил ҳамда талқиннинг ўрни; илғор педагогик технологиялар воситасида Чўлпон, Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Э.Воҳидов каби сўз санъаткорлари ижодидан айрим намуналарни таҳлил қилиш усуллари ёритилган.

Методист олималардан М.Мирқосимованинг “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари”, проф. Р.Ниёзматованинг “Ўзбек тили дарсларида янги ўзбек адабиётини ўқитиш масалалари”, п.ф.д. Қ.Хусанбоевнинг қатор сўз санъаткорлари ижодини ўрта мактабда ўргатишга оид қўлланмалари ҳамда монографияларида ҳам муайян ёзувчи ёки шоир ҳаёти ва ижодини ўргатиш ўтган асрнинг 60-80-йилларидаги каби биографик фактологияга, тарихий хронологик принципга таяниб эмас, бугунги адабиётшунослик илмида эътироф этилган биографик методга таяниб ўрганилса, асарлари эстетик таҳлил қилинса, таълим самарадорлиги таъминланиши эътироф этилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор У.Норматов кейинги йилларда яратган илмий рисолаларида ижодкор асарларида “муаллиф биографияси” яшашига, шахсияти билан алоқадор жиҳатлар, “қалб кечинмалари ҳаракати” мавжудлигига эътиборни қаратиб, А.Қаҳҳор, А.Мухтор, Э.Воҳидов сингари сўз санъаткорлари асарларини биографик

¹ Ahmedov S., Qosimov B., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot 5. Oqituvchilar uchun metodik qo'llanma. –Т.: “Sharq”, 2007; Ahmedov S., Qosimov B., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot (5- sinf uchun darslik). –Т.: “Sharq”, 2007; Yo'ldoshev Q. Yo'ldoshev Q. Qodirov V., Yo'ldoshekov J. Adabiyot 9 (9- sinf uchun darslik) uchun metodik qo'llanma). –Т.: “Yangiyo'l Poligraph service”, 2006; Yo'ldoshev Q. Yo'ldoshev Q. Qodirov V., Yo'ldoshekov J. Adabiyot (9- sinf uchun darslik). –Т.: “Yangiyo'l Poligraph service”, 2010.

¹ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Т., Ўқитувчи. 1996. 63-б.

² Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т., Янги аср авлоди. 2006. 113-б.

³ Усмонова О. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини адабий таҳлил ҳамда талқин усуллари таяниб ўрганиш. Пед. фан. ном. дисс... –Т.: 2007. – 140 б.

методга таяниб тадқиқ қилган¹. Олим шўро даври адабий таълимида синфийлик, коммунистик партиявийлик принципларига амал қилиниши натижасида бадий асарнинг бадиияти эмас, биринчи галда “ижодкор дунёқарashi, асарда илгари сурган ғояси назарда тутилганлиги”; ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш мақсадида келиб чиқиб тарғибот-ташвиқот учун қулай асарлар ўқув программаларидан жой олганлиги; дарсликлардагина эмас, 70-80-йилларда яратилган қатор ўқув қўлланмаларида ҳам шу руҳ ҳукмрон бўлганлигини “Мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, “Мактабда А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўрганиш” каби ўнлаб методик қўлланмаларда кузатиш мумкинлигини асосли таъкидлаган. Мазкур тадқиқот ишининг мавзуга алоқадор адабиётлар ва тадқиқот ишларидан фарқли жиҳати таълим босқичларида А.Орипов ҳаёти ва ижодини узвийлик ҳамда узлуксизлик тамойилига кўра босқичма-босқич ўргатишнинг педагогик ва методик хусусиятлари ёритилганлиги; умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва коллежлар адабий таълимида шоир ижодини ДТС, ўқув режалар, дастур ҳамда дарсликлар имкониятлари асосида ўргатиш самарадорлигини таъминлаш омиллари белгиланганлигида; А.Орипов ижоди намуналарини таҳлил қилишнинг самарали усулларига таяниб шоир шеърларида бўртиб турувчи юртсеварлик, инсонпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари ўқувчилар маънавиятини юксалтиришга таъсир кўрсатиши илмий асосланганлиги; шу жараён амалиётига хизмат қилувчи методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги диссертация ишининг илмий янгилигини белгилайди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Жиззах давлат педагогика институтида ишлаб чиқилган “Ҳозирги ёшларни маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзуси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилиди.

Тадқиқотнинг мақсади: Адабий таълим жараёнида халқ шоири А.Орипов ижодини таълим босқичларида ўргатишнинг самарали усуллари ва тавсиялар тизимини яратиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Шоир А.Орипов ижоди намуналарини муайян таълим босқичларида сабоқ олаётган ўқувчилар ёш, интеллектуал ва маънавий-руҳий хусусиятларига мувофиқ узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида ўргатиш билан боғлиқ илмий-педагогик ва методик муаммолар таҳлили.

2. А.Орипов ижодини ўргатиш жараёни самарадорлигини таъминлаш омиллари, метод ва усулларини кўрсатиш; уларнинг самарадорлик даражасини асослаш.

3. А.Орипов ижоди намуналарини дидактик таҳлил қилиш воситасида ўқувчиларнинг таҳлил малакаларини, оғзаки ва ёзма нутқини, китобхонлик даражасини, эстетик дидини, мустақил фикрлаш

салоҳиятини ўстиришга; уларда миллий ва умуминсоний туйғуларни юксалтиришга хизмат қиладиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Ўқув дастурларида белгиланган асарлар билан бирга ишда мустақил ўқиб ўрганиш учун тавсия қилинган шеърлар таҳлили воситасида ўқувчини матн моҳиятига чуқур кириб боришга йўллаш; ижодкорнинг поэтик тафаккур тарзини, шахслик сифатларини англаштириш; шоирнинг ҳаёт ходисаларига муносабатини, услубига хос белги ва аломатларни ўқувчилар бевосита асар матнига таяниб, мустақил ўрганишлариغا эришишда интерфаол усуллардан, муаммоли савол ва топшириқлардан фойдаланиш йўллариини ёритиш.

Тадқиқот объекти: Умумий ўрта таълим ва академик лицейлар, коллежлар адабий таълимида шоир А.Орипов ижодини ўргатиш жараёни.

Тадқиқот предмети: Таълим босқичларида шоир А.Орипов ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг самарали усуллари.

Тадқиқотнинг методлари: биографик тадқиқ, структурал таҳлил, муаммоли таълим, суҳбат, киёсий таҳлил, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилиди.

Тадқиқот босқичлари. Тадқиқот уч босқичда амалга оширилди:

1-босқич. (2000-2003 йиллар)да мавзуга алоқадор илмий адабиётлар ўрганилиди, муаммога доир илмий қарашлар таҳлил қилинди, умумлаштирилди.

2-босқич. (2004-2006 йиллар) адабий таълим жараёнида шоир ҳаёти ва ижодини ўргатиш воситасида ўқувчилар маънавиятини юксалтириш мазмуни белгиланди: самарали усул ва воситалар аниқланди ҳамда улардан амалий фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.

3-босқич. (2007-2010 йиллар)да илгари сурилган илмий фаразлар асосида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари таҳлил қилинди, умумлаштирилди ва илмий хулосалар чиқарилди. Диссертация иши тўла ҳолда шакллантирилди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Адабий таълим жараёнида шоир ҳаёти ва ижодини ўргатиш муҳим илмий методик муаммо эканлиги.

2. Таълим самарадорлигини таъминлашда ўқувчиларни фаоллаштирувчи илғор усуллардан фойдаланиш йўллари. Асар таҳлили жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўз мустақил фикрига эга бўлишини таъминлайдиган усуллар тизимига хос хусусиятлар.

3. Шоир А.Орипов яратган образлар, поэтик ғоялар таҳлили орқали унинг ўзига хос услуби, бадий олами ва тафаккур тарзини ўқувчига англаштиришда дарсликлардаги ва ўқитувчилар томонидан тузилган савол-топшириқларнинг катта аҳамиятга эгалиги.

4. Фидойилик, юртсеварлик, миллатпарварлик руҳида яратилган шеърлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий ва умуминсоний туйғуларни камол топтириш йўллари; яратувчилик, маънавий меросимизга масъуллик, аجدодларимиз руҳига садоқат ва миллий ғурур каби туйғуларни юксалтиришда эса «Соҳибқирон», «Жаннатга йўл»

¹ У.Норматов. Ижод сеҳри. Шарқ. 2007. 154-162-бетлар.

сингари баркамол асарлар марказидаги образлар талқинидан фойдаланиш усуллари.

5. Абдулла Орипов ижодини ўргатиш воситасида шоир киёфасини ибрат қилиб кўрсатиш; ўзига хос бадий олами, бетакрор услуби ва маҳорати ҳақида назарий билим бериш; баркамол асарларнинг умри боқийлиги сабабларини тушунтириш таълим самарадорлигини таъминлаш омили эканлиги.

6. Ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлили асосида чиқарилган хулосалар, методик тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотда сўз санъаткорларидан бири Абдулла Орипов ижодини адабий таълим жараёнида самарали таълим усуллари асосида ўргатиш муаммоси илк бор махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилди. Ишда шоир яратган асарларни ўқувчилар ёш хусусиятлари ва интеллектуал имкониятларига мослаб танлаш, таҳлил қилиш тамойиллари; таълимда узвийлик ва узлуксизлик принциpigа таяниш ҳамда интерфаол таълим усулларида фойдаланиб шоир ижодини умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўргатиш методикаси мазмуни ёритилди; шоир яратган бетакрор поэтик образлар таҳлили орқали ўқувчилар дунёқарашига, туйғуларига таъсир кўрсатиш йўллари белгиланганлиги; уларда инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришнинг самарали усуллари асосидаги дарс лойиҳалари, методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги илмий ишнинг янгилигини белгилайди.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар халқ шоири Абдулла Ориповнинг бадий баркамол ижод намуналари узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида таълим босқичларида изчил ҳамда илғор усулларга таяниб ўргатилса, самарадорлик таъминланади.

Тадқиқотнинг методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ДТС, «Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфлари учун адабиёт фанидан такомиллаштирилган ўқув дастури», президент И.А.Каримов асарларидаги маънавий тарбия, соғлом авлодни шакллантириш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари; Шарқ мутафаккирларининг илмий-педагогик мероси ҳамда У.Норматов, А.Расулов, Б.Каримов каби адабиётшунослар яратган илмий рисоалардаги биографик ва структурал таҳлилга оид назарий қарашлар; А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзматова каби методист олимлар асарларидаги миллий ва умуминсоний тарбия, мустақил фикрни шакллантиришга оид кузатишлар, мавзуга оид илмий педагогик ва методик манбалар ташкил этди.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот иши яхлит ҳолда таълим ҳамда тарбия самарадорлигини

таъминлашга, педагогика ва адабиёт ўқитиш методикаси фанлари равнакига хизмат қилади. Ишнинг илмий хулосалари, материаллари билан тавсиялардан муайян шоир ҳаёти ва ижодини монографик йўсинда ўргатишда; мавзуга алоқадор тадқиқот ишлари олиб боришда; дарс ишланмалари, ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар тайёрлашда; адабиёт ўқитиш методикаси фанидан махсус курслар ёки семинар машғулотлари ўтишда; таълим-тарбия амалиётида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тажриба-синов ишлари Жиззах давлат педагогика институтига қарашли “Сайилжой” академик лицейида, Жиззах педагогика коллежи, Жиззах шаҳрининг № 1, 11, 16, 17, Фориш туманидаги № 8, 4, 26, 16, Арнасой туманидаги № 1, 8, 16, 6-сонли умумий ўрта таълим мактабларида махсус ишлаб чиқилган дастур асосида олиб борилди. Тадқиқот натижалари таҳлил қилинди, амалга оширилган педагогик тадбирлар асосида методик қўлланма ва тавсиялар яратилди. Асосий илмий ғояларимиз амалий тавсиялар асосида тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Тадқиқот натижалари Жиззах давлат педагогика институтида, Низомий номи ТДПУда бўлиб ўтган анъанавий республика илмий методик анжуманларидаги маърузалар, тезислар; илмий тўпламлардаги мақолалар, «Халқ таълими», «Педагогик таълим», “Узлуксиз таълим” каби журналларда эълон қилинган илмий мақолалар, методик қўлланма ва методик тавсиялар орқали амалиётга тадбиқ қилинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институти “Педагогика ва психология”, “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси” кафедраларининг умумий йиғилишида муҳокамадан ўтган (11.06.2009 й.). Шунингдек, ЎЗД Жаҳон тиллари университети қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган (02.12.2010 й. № 4 баённома).

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши материаллари асосида “Ўқувчларда юксак туйғуларни шакллантиришнинг илмий-педагогик ва методик хусусиятлари”, “Адабий таълим жараёнида шоир Абдулла Орипов ижодини ўргатиш усуллари” номи услубий қўлланма ва методик тавсиянома, илмий-методик журналлар, илмий тўплам ҳамда конференция материаллари тўпламларида 15 номда илмий-методик мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили, умумий хулосалар билан тавсиялар, иловалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 139 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти асосланиб, мавзунинг ўрганилиш даражаси, тадқиқот объекти, предмети, методологик

асоси, илмий янгиллиги ва методлари, назарий ва амалий аҳамияти, ишнинг жорий қилиниши, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Умумтаълим мактабларида Абдулла Орипов ижоди намуналарини ўргатиш самарадорлигини ошириш» деб номланган. Бобнинг «Умумтаълим мактабларида Абдулла Орипов ижодини ўргатишнинг ҳозирги ҳолати» номли биринчи фаслида истиқлолгача бўлган давр адабий таълимидаги ёндашувлар таҳлилга тортилган. Бу давр адабий таълимида ижодкор биографиясини ўргатиш хронологик принцип асосида амалга оширилганлиги; муайян шоир ижодини ғоявийлик талаблари асосида ўргатиш етакчилик қилганлиги «Мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш», «Мактабда А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўрганиш» каби методик қўлланмалар мисолида ёритилган.

Хусусан, истиқлол даври адабий таълимининг бош мақсади билан вазифалари тубдан ўзгарганлиги ишда янги ўқув дастури, дарсликлар таҳлили мисолида асосланди. Умумий ўрта таълим ва академик лицейларда шоир А.Орипов ижодини илғор таълим усуллари таяниб ўргатиш мазмуни бошланғич таълимнинг 1-4 синфлари «Ўқиш китоби»да берилган намуналар¹ ҳамда умумтаълим мактабларининг 5-синфида «Ўзбекистон» қасидасини ўргатишга оид кузатишларимиз асосида ёритилди. Бу борадаги айрим камчиликларга эътибор қаратилди. Бошланғич синфлар дарсликларида шоир асарларини ўргатиш ва таҳлил учун қўйилган савол-топшириқлар асар мазмунини қайта эсга солишгагина хизмат қилиши; ўқувчиларни фикрлашга ундайдиган, уларни матн устида ишлашга йўллайдиган ўқув топшириқлари берилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Бугунги адабий таълим мақсадида эришиш учун адабиёт бўйича яратилаётган дастур ва дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар мазмуни янада такомиллаштирилиши, ўқув материаллари билим олувчиларнинг мустақил фикрлаши ва фаоллигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Афсуски, Абдулла Орипов асарларини ўргатиш методикаси умумтаълим мактабларининг 5, 9-синфларида² ҳам кўнгилдагидек ишланмаган. Ўқувчиларга ўрганиш учун тақдим этилаётган бадий матнлар ҳажми билан уларни ўзлаштиришга ажратилган вақт миқдорининг мутаносиб эмаслиги каби нуқсонлар шоир асарларини ўргатиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бобнинг «*Шоир Абдулла Орипов ижодини ўргатиш воситасида ўқувчилар маънавиятини тарбиялаш*» деб аталган фаслида айтилган жараён мазмунини илмий-педагогик ва методик жиҳатдан тўғри ташкил

¹ G'afforova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. O'qish kitobi (1- sinf uchun darslik). –T.: "Sharq", 2009; Abdullayeva Q., Yusupov M., Rahmonbekova S. O'qish kitobi (2- sinf uchun darslik). –T.: "O'qituvchi", 2010; Matchonov S. va boshqalar. O'qish kitobi (4- sinf uchun darslik). –T.: "Sharq", 2008.

² Ahmedov S., Qosimov B., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot (5- sinf uchun darslik). –T.: "Sharq", 2007. 304-311- betlar.

Ahmedov S., Qosimov B., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot 5. Oqituvchilar uchun metodik qo'llanma. –T.: "Sharq", 2007. 144-148- betlar.

Yo'ldoshev Q. Adabiy saboqlar 8 (8- sinf "Adabiyot" darsligi uchun metodik qo'llanma). –T.: "Sharq", 2004. 62- bet; Yo'ldoshev Q., Q. Qodirov V., Yo'ldoshekov J. Adabiy saboqlar 9 (9- sinf "Adabiyot" darsligi uchun metodik qo'llanma). –T.: "Yangiyo'l Poligraph service", 2006. 4- bet.

этиш, шоир асарларини таҳлил қилиш йўллари ёритилган. Замонавий таълим баркамол инсонни шакллантиришга йўналтирилган экан, ёшларда буюк аجدодларимиз яратган маънавий меросга ҳурмат, уни асраб-авайлаш ва юксалтириш, кадрлаш туйғусини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, Ватан ва миллатнинг бугуни билан эртасига масъуллик туйғуси; юрт тинчлиги, фаровонлиги йўлида курашиб яшаш; илм-маърифатли бўлиш; ўткинчи ҳаваслар-у майда, маънисиз истаклар йўлида эмас, юксак мақсадлар учун яшовчи, бунёдкор ёшларни тарбиялашдай улкан вазифаларни амалга оширишда А.Ориповнинг 9-синф «Адабиёт» дарслигига киритилган «Баҳорни соғиндим», «Баҳор», «Гўзаллик» шеърлари қатори мустақил ўқишга тавсия қилинувчи табиат лирикаси намуналари таҳлиладан фойдаланиш кўзланган самарани бериши асосланди.

Абдулла Орипов каби XX аср адабиётида, ўзбек шеъриятида ўзига хос бурилиш ясаган сўз санъаткорлари ижодини таҳлилу талқин қилишда ижодий авлодлар, улар амал қилган мафкуравий ақидалар, ижодий принциплар орасидаги тафовутдан қатъий назар адабий ворислик мавжудлигини назардан қочирмаслик лозим. Адабиётда яшовчи ижодий анъаналар, уларнинг ранг-баранг ижодкорлар асарларида яшовчанлиги, ижодий таъсир ва таъсирланиш каби ходисалар янги бадий кашфиётлар учун «туртки» бўлишини А.Ориповнинг Ватан мавзусидаги шеърлари, баҳор ёки куз манзаралари тасвири чизилган пейзаж лирикаси намуналари мисолида ўқувчига тушунтириш бугунги адабий таълим талабларига мосдир.

Бугунги адабий таълимга муайян шоир ёки ёзувчи ижоди хусусидаги ранг-баранг қарашларни, турлича талқину таҳлилларни олиб кириш, бинобарин, ўқувчиларни ҳам бир асар теварагида турфа фикр-мулоҳазаларга таяниб таҳлил, баҳс-мунозара қилишга ўргатиш таълимда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш имконини беради. Ишда шоир ижоди намуналарини ана шу жиҳатлардан ўқувчи-китобхонга ўргатиш усуллари шарҳланди.


Ўқувчиларда миллий ва умуминсоний туйғуларни шоир А.Орипов шеърияти ва драматик дostonлари таҳлили жараёнида шакллантириш йўллари ишнинг «*Шоир Абдулла Орипов ижодини самарали таълим усуллари таяниб ўргатиш методикаси*» деб номланувчи иккинчи бобда баён қилинди. Ўқитувчининг маънавий қиёфаси, касб маҳорати, илмий тадқиқотчилик, ижтимоий ташкилотчилик, педагогик амалиётчилик жиҳатлари адабий таълим самарадорлигининг омили сифатида шарҳланди.

Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейлар учун ўқув дастурига киритилган А.Орипов ижоди намуналарини (5-синфда «Ўзбекистон» шеърини, 9-синфда «Ўзбекистонда куз», «Куз манзаралари» ва бошқа табиат лирикаси намуналарини, «Соҳибқирон» драматик таълимнинг кейинги босқичларида эса «Жаннатга йўл» асари ва «Сен баҳорни соғинмадингми», «Биринчи муҳаббатим»

шеърларини) таҳлил қилиш жараёнида муаллифнинг ўзига хос услуби билан маҳоратини кўрсатувчи хусусиятларга ўқувчилар эътиборини қаратиш зарурлиги ишда алоҳида таъкидланди. Шу сабабли иккинчи бобнинг 1-фасли давомида шоир шеърлари ва драматик дostonларини таҳлил қилиш намуналари тавсия қилинди. А.Орипов ўз ижодида классик адабиётимиз анъаналаридан фойдаланиб, Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий каби сўз санъаткорлари ижодидан баҳра олиб бетакрор поэтик образлар яратишга эришган. Зеро, А.Орипов истеъдоди ила яратилган асарлар ўз салафлари ижодига таклиддан, оддий таъсирланишдан юзага келган “поэтик топилмалар” эмас. Шоир кўхна адабиётимиз анъаналари ва тажрибаларидан, сўз санъаткорлари яратган поэтик кашфиётлардан ўрганган, ўз ижодий тажрибасини бойитган. Айни чоғда, баҳор, куз тасвирлари гўзал поэтик манзара шаклида гавдаланувчи қатор шеърлари марказидаги лирик қаҳрамон нигоҳи орқали шоир ўзига хос, бетакрор поэтик маъноларни кашф қила олган.

Ўзлпоннинг табиат лирикаси орқали англашиладиган ижтимоий ҳаёт алам-изтироблари, эрксизлик туйғуси ифодаси А.Орипов шеърлятида “мен”нинг рангин кечинмалари, табиатга хос гўзалликларга уйғун орзу-тилаклар, эзгу ҳаёллари, изтироблари ифодаси билан алмашинади. “Мен” ўз кўнглини англашга, англантишга, бинобарин, уни ва бошқа одамларни тушуниб, ҳис қилишга ундайди. Инсон табиати, кўнгил олами ранг-баранг, ўзига хос, тақрорланмас, фасллар каби табиий ва жозибали эканини намоён қилади.

Иккинчи бобнинг 2- фаслида “Соҳибқирон” драмасини самарали таълим усулларига таяниб ўргатиш жараёни ёритилди. Маълумки, бадий адабиёт намуналари ўқувчи-ёшлар дунёқарашига жиддий таъсир кўрсатади. Хусусан, «Жаннатга йўл» драматик дostonнинг маърифий-фалсафий концепцияси ҳам уларни эл-юрт равнақи йўлида, эзгулик, яхшилик, ҳалоллик тантанаси учун жон қуйдириб яшашга ундайди; лоқайдлик, бефарқлик, масъулиятсизлик, фаолиятсизлик қайфияти маънавий иллат эканини асардаги қатор образлар талқинидан чуқур англашилса, ўқувчиларда курашчанлик, яратувчилик, юртпарварлик каби юксак туйғуларни шакллантиришда “Соҳибқирон” асарининг таъсир кучи бекиёсдир. Ишда Амир Темур образи ўқувчилар учун маънавий етуқлик тимсоли бўлиб хизмат қилиши асосланди. Ушбу асар марказида ҳаракат қилувчи соҳибқирон сиймоси орқали ўқувчилар мард, иродали, инсонпарвар, илмли, юртпарвар, миллатсевар, шижоатли инсон қиёфасини, у амалга оширган буюк ишларнинг маъно-мазмунини ва қимматини англайдилар; бундай буюк зотларнинг улўғлигини кўрсатувчи фазилатлари, ҳис-туйғулари, кураш-интилишлари, имон-эътиқоди моҳиятини чуқур тушуниш жараёнида ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғулари камол топади. Ишда асарни «Зинама-зина», «Тармоқлар» усулида таҳлил қилиш намуналари берилиб, «Зинама-зина» усулида қуйидаги масалалар ҳал қилиниши белгиланди.



1-расм

Тадқиқотнинг учинчи боби “Адабий таълим жараёнида Абдулла Орипов ижодини ўргатиш усуллари муаммоси тадқиқига йўналтирилган тажриба-синов ишлари таҳлили” деб номланиб, икки фаслдан иборат. Диссертацияда илгари сурилган ғояларни синаш учун А.Орипов ҳаёти ва ижодини ўргатишга йўналтирилган хилма-хил тоифадаги ўқитувчиларнинг 300 соатга яқин дарслари кузатилди. Унда умумий ўрта таълим мактаблари адабий таълими қандай метод ва усуллар асосида ташкил этилгани, мактаб адабий таълими мазмунида янги педагогик тафаккур талаблари қанчалик акс этаётганини аниқлаш мақсадида “Сайилжой” академик лицейида, Жиззах шаҳрининг 1-, 11-, 16-, 17-, Фориш туманидаги 8-, 4-, 26-, 16-, Арнасой туманидаги 1-, 8-, 16-, 6- ўрта мактаблар адабиёт ўқитувчиларининг фаолияти ўрганилди.

1. Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик (ташкilotчилик, илмий тадқиқотчилик, педагогик амалиётчилик фаолияти) даражаси ва маҳорати замонавий талабларга жавоб берадими?

2. Шоир ҳаёти ва ижодини ўргатиш жараёни қандай замонавий метод ва усуллар асосида ташкил этилаётир?

3. Адабиёт дарсларида муайян шоир ёки ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш жараёнида ўқитувчилар қандай муаммоларга дуч келаётирлар?

4. Шоир Абдулла Орипов ижодини ўргатиш, асарларини таҳлилга тортиш бўйича тавсиялар қандай натижалар берганлигини ўрганиш.

Буларни аниқлаш учун адабиёт ўқитувчиларига саволномалар тарқатилди. Анкета сўровлари орқали 360 ўқитувчининг касбий тайёргарлиги; касб маҳорати; ташкilotчилик, илмий тадқиқотчилик, амалиётчилик фаолиятлари; ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари; уларнинг китобхонлик даражалари ўрганилиб, натижалар таҳлил қилинди, ҳулосалар чиқарилди.


Маълум бўлдики, 360 ўқитувчидан 320 ўқитувчи адабиёт дарсларида А.Орипов ижоди намуналарини илғор таълим усуллари асосида ўргатишга оид методик тавсиялар етишмаслигини, бу борадаги билимлари ҳам бугунги талаблар даражасида эмаслигини тан олганлар.

Ўқитувчилар адабиёт дарсларида муайян шоир ёки ёзувчи ижодини ўргатишдан кўзлаган мақсад ва эришган натижалари қандайлигини аниқлаш учун адабий таълим мазмунини ва шакллариغا эътибор қаратилди. Тақомиллаштирилган ўқув дастурлари ва дарсликлар бу борада ўқитувчига катта имкониятлар бераётганлигини 92 % ўқитувчи эътироф этди. А.Орипов ижодини замонавий педагогик технологиялардан, илғор метод ва усуллардан фойдаланиб ўқувчига тақдим этишга оид тавсияларимиз асосида дарс ташкил этган 94 % ўқитувчи дарслари кўзланган самарани берганлиги аниқланди.

1-жадвал

Тажриба бошидаги умумий кўрсаткич

Мақтаблар	Шаҳар/ туман	Синфлар	Ўқувчилар сони	«А» гуруҳ ўқувчилари	%	«Б» гуруҳ ўқувчилари	%	«Д» гуруҳ ўқувчилари	%
1, 11, 16, 17, 22	Жиззах ш	5-9	108	8	7,41	12	11,11	88	81,48
8	Фориш	5-9	108	11	10,19	15	13,89	82	75,93
4	Фориш	5-9	90	7	7,78	14	15,56	69	76,67
26	Фориш	5-9	90	9	10,00	17	18,89	64	71,11
16	Фориш	5-9	114	6	5,26	10	8,77	98	85,96
1, 6	Арнасой	5-9	115	8	6,96	12	10,43	95	82,61
	Жиззах пед коллежи		96	7	7,29	14	14,58	75	78,13
	Сайилжой АЛ		93	8	8,60	13	13,98	72	77,42
1-18	Арнасой	5-9	96	7	7,29	11	11,46	78	81,25
16	Арнасой	5-9	108	6	5,56	14	12,96	88	81,48
Жами			1018	77	7,56	132	12,97	809	79,47



2-расм. Тажриба бошида

Адабиёт дарсларида «А» гуруҳидаги ўқувчилар билимини чуқурлаштириш, мустақил фикрлаш салоҳиятларини ўстириш мақсадида интерфаол усулларни қўллаб, қўшимча билимлар беришга ҳаракат қилинди.

Мустақил ўқиш ва таҳлил қилишга йўналтирувчи топшириқлар берилди, китобхонлик даражасини оширишга уринилди.

«Б» гуруҳидаги ўқувчиларнинг билимлари бадиий асарни чуқур тушуниш, образлар моҳиятини англаш, бадиийликни ҳис қилиш ва матн таҳлилида бироз оксаши аниқлангач, дастур талаблари асосида зарур кўникмалар шакллантиришга киришилиб, таҳлил дарслари ташкил этилди. Ўқувчиларда мустақил таҳлил малакасини шакллантириб, назарий билимларини чуқурлаштиришга қаратилган савол-топшириқлар берилди.


«Д» гуруҳидаги ўқувчилар эса бадиий матнни тушуниб ўқиш; образлилик моҳиятини англашга уриниш; топшириқлар устида ишлаш орқали фаоллаштириб борилди. Уларда китобхонликни ривожлантириш, мустақил фикрлаш, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга жиддий эътибор қаратилди.

Тажриба синфларидаги ўқувчиларнинг бадиий асарларни ўқиш даражаларининг орттишига мутаносиб улар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар даражаси ҳам ўсган. Тажриба ишларининг бошида 1018 та ўқувчининг 77 нафари «А» гуруҳни, 132таси «Б» гуруҳни, 809таси «Д» гуруҳни ташкил қилган. Тадқиқотимизда тавсия қилинган методик ишланмалар ва тавсиялар асосида ишлаш натижасида 1018 ўқувчидан 407таси «А» гуруҳига, 262 нафари «Б» гуруҳига, 349таси «Д» гуруҳига кирди.

2-жадвал

Тажрибадан кейинги умумий кўрсаткич

Мақтаблар	Шаҳар/ туман	Синфлар	Ўқувчилар сони	«А» гуруҳ ўқувчилари	%	«Б» гуруҳ ўқувчилари	%	«Д» гуруҳ ўқувчилари	%
1, 11, 16, 17, 22	Жиззах ш	5-9	108	45	41,67	27	25,00	36	33,33
8	Фориш	5-9	108	46	42,59	27	25,00	35	32,41
4	Фориш	5-9	90	45	50,00	25	27,78	20	22,22
26	Фориш	5-9	90	42	46,67	27	30,00	21	23,33
16	Фориш	5-9	114	39	34,21	26	22,81	49	42,98
1, 6	Арнасой	5-9	115	37	32,17	27	23,48	51	44,35
	Жиззах пед коллежи		96	39	40,63	27	28,13	30	31,25
	Сайилжой АЛ		93	33	35,48	22	23,66	38	40,86
1-18	Арнасой	5-9	96	36	37,50	30	31,25	30	31,25
16	Арнасой	5-9	108	45	41,67	24	22,22	39	36,11
Жами			1018	407	39,98	262	25,74	349	34,28



3-расм. Тажриба охирида

1- ва 2- жадваллардаги кўрсаткичлар математик-статистик усулда таҳлил қилинади. Бунинг учун А,Б,Д гуруҳларидаги ўртача кўрсаткичларни 1-жадвал учун x_1 , 2-жадвал учун y_1 билан белгилаймиз. Бундан ташқари, x_1 ларнинг такрорланишларини эса n_1 , m_1 лар билан белгилаймиз. Тажриба синови ишларидан олдинги ўқувчилар сони $n=1018$, кейинги

ўқувчилар сони ҳам $m=1018$ бўлиб, биз бу сонларни вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз. Демак, 1,2-жадваллардан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз ($n = n_1+n_2+n_3$ ва $m = m_1+m_2+m_3$)

$$\begin{cases} X_i: & 3, & 4, & 5 \\ n_i: & 809, & 132, & 77 \end{cases} \quad \begin{cases} Y_i: & 3, & 4, & 5 \\ m_i: & 349, & 262, & 407 \end{cases}$$

$$P_i = \frac{n_i}{n} \text{ ва } q_i = \frac{m_i}{m}$$

Бу икки вариацион қатор орқали

Статистик эҳтимолликларни киритиб, қуйидаги статистик қаторларни ташкил этамиз:

$$\begin{cases} X_i: & 3, & 4, & 5 \\ P_i: & 0,8; & 0,13; & 0,07 \end{cases} \quad \begin{cases} Y_i: & 3, & 4, & 5 \\ q_i: & 0,34; & 0,26; & 0,4 \end{cases}$$

$$(P_1 + P_2 + P_3 = 1) \quad (q_1 + q_2 + q_3 = 1)$$

Статистик таҳлилни ҳар икки танланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^3 P_i \cdot X_i = 0,8 \cdot 3 + 0,13 \cdot 4 + 0,07 \cdot 5 = 2,4 + 0,52 + 0,35 = 3,27$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^3 q_i \cdot Y_i = 0,34 \cdot 3 + 0,26 \cdot 4 + 0,4 \cdot 5 = 1,02 + 1,04 + 2 = 4,06$$

$$\text{Фонзда } \bar{X}\% = \frac{3,27 \cdot 100\%}{5} = 65,4\% \quad \bar{Y}\% = \frac{4,06 \cdot 100\%}{5} = 81,2\%$$

$$\bar{Y}\% - \bar{X}\% = 15,8\%$$

Демак, тажриба-синов ишлари сўнгида ўқувчилар билимларининг кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 15,8 % га мунтазам ошиб бориши аниқланди.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини ҳисоблашга ўтамиз. Дастлаб, танланмалар дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$S_X^2 = \sum_{i=1}^3 P_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,8 \cdot 9 + 0,13 \cdot 16 + 0,07 \cdot 25 - (3,27)^2 = 7,2 + 2,08 + 1,75 - 10,6929 = 0,3371$$

$$\text{Стандарт хатолик: } S_X = \sqrt{0,3371} = 0,58$$

$$S_Y^2 = \sum_{i=1}^3 q_i \cdot Y_i^2 - (\bar{Y})^2 = 0,34 \cdot 9 + 0,26 \cdot 16 + 0,4 \cdot 25 - (4,06)^2 = 3,06 + 4,16 + 10 - 16,4836 = 0,7364$$

$$\text{Стандарт хатолик: } S_Y = \sqrt{0,7364} = 0,858$$

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффицентлари орқали ҳисоблаймиз:

$$V_X = \frac{S_X}{\bar{X}} \cdot 100\% = \frac{0,58 \cdot 100\%}{3,27} = 17,73\%$$

$$V_Y = \frac{S_Y}{\bar{Y}} \cdot 100\% = \frac{0,858 \cdot 100\%}{4,06} = 21,14\%$$

Тажриба-синов ишларидан олдинги вариация кўрсаткичлари 30% дан бўлганлиги учун, уларга мос ўрта арифметик ўзлаштириш кўрсаткичлари $\bar{X}$ ва $\bar{Y}$ лар мос, номаълум назарий ўрта қийматлари тўғри акс этар экан:

$$\bar{X} \approx a_X, \quad \bar{Y} \approx a_Y \quad (1)$$

Бунга биз ўрта қийматлар аниқлиги катталикларини ҳисоблаб ҳам ишонч ҳосил қиламиз:

$$C_X = \frac{V_X}{\sqrt{n}} = \frac{17,73\%}{\sqrt{1018}} = \frac{17,73\%}{31,9} = 0,56\%$$

$$C_Y = \frac{V_Y}{\sqrt{n}} = \frac{21,14\%}{\sqrt{1018}} = \frac{21,14\%}{31,9} = 0,66\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари коникарли ўтганлигини эътироф этади.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги $H_0: a_X = a_Y$ гипотезани Стъюдент мезони ёрдамида текшираимиз. Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_X^2}{n} + \frac{S_Y^2}{m}}} = \frac{|3,27 - 4,06| \cdot 31,9}{\sqrt{0,3371 + 0,7364}} = \frac{25,2\%}{1,036} = 24,32$$

Стъюдент мезонининг 95% лик критик нуктаси $t_{kp}(0,95) = 1,96$ бўлиб, статистиканинг қиймати ундан етарлича каттадир: $T_{n,m} = 24,32 > 1,96 = t_{kp}(0,95)$

Демак, биз H_0 гипотезани рад этиб, $\bar{Y} > \bar{X}$ ҳамда (1) муносабатларни эътиборга олган ҳолда $a_Y > a_X$, яъни тажриба ишларидан сўнг, доимо ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи олдинги ўзлаштириш кўрсаткичидан катта бўлар экан, деган хулоса қила оламиз. Ниҳоят, биз X_1 ва Y_1 статистик танланмаларнинг тақсимот қонунлари тенглиги ҳақида $K: F_X = F_Y$ гипотезани текшириш учун Пирсон мезонидан фойдаланамиз. Бу мақсадда қуйидаги жадвални тузиб оламиз:

		3-жадвал		
Баҳолар Синфлар		3	4	5
		$n_1=809$	$n_2=132$	$n_3=77$
Тажриба-синовдан олдин		$m_1=349$	$m_2=262$	$M_3=407$
Тажриба-синовдан кейин				

Пирсон статистикасини ҳисоблаймиз:

$$\chi^2_{n,m} = \sum_{i=1}^3 \frac{(m_i - n_i)^2}{m_i + n_i} = \frac{(349 - 809)^2}{349 + 809} + \frac{(262 - 132)^2}{262 + 132} + \frac{(407 - 77)^2}{407 + 77} =$$

$$= \frac{211600}{1158} + \frac{16900}{394} + \frac{108900}{484} = 182,73 + 42,89 + 225 = 450,62$$

Пирсон мезонининг озодлик баллар сонидан 1 га камдир: $k=3 - 1=2$, бу $k=2$ га мос 95% лик критик нукта $Z_{kp}(0,95)=6$.

$$\text{Аммо, } \chi^2_{n,m} = 450,62 > 6 = Z_{k,p}(0,95)$$

Демак, K гипотеза ҳам рад этилар экан. Бу эса, тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги ўқитиш методикаларининг фарқланиши тасодифий эмас, балки қонуний бўлиб, доимо ўзлаштириш кўрсаткичлари ошишига олиб келар экан.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Таълим босқичларида таникли шоир ёки ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш ўқувчилар маънавиятини юксалтириш воситаси сифатида алоҳида тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

1. А.Орипов каби сўз санъаткорлари ижодининг бадий талкини жараёнида ўқувчилар ижодкор шахси, қалб кечинмалари, тафаккур тарзини, яратувчи шахсга хос туйғулар ва хислатларини англаш имконига эга бўладилар. Шоир шахсияти ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқлигини асарлари таҳлилидан тушуниб оладилар. Эл ардоғига сазовор бўлган ижодкор ўқувчи учун ибратга айланади.

2. Шоир А.Орипов каби истеъдодли сўз санъаткорлари ижоди намуналарини таҳлил қилиш малакасини таркиб топтириш асосида ўқувчилар маънавиятининг юксалишига, уларда юксак инсоний туйғулар шаклланишига эришилади.

Бугунги адабий таълимга муайян шоир ёки ёзувчи ижоди хусусидаги ранг-баранг қарашларни, турлича талкину таҳлилларни олиб кириш, бинобарин, ўқувчиларни ҳам бир асар теварағида турфа фикр-мулоҳазаларга таяниб таҳлил, баҳс-мунозара қилишга ўргатиш таълимда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш имконини беради. Хусусан, А.Ориповнинг “Оламонга”, “Тилла балиқча”, “Генетика” сингари шеърлари турлича талкин қилинади, матн ортига яширинган маъноларни ҳар ким ўз сезимлари, идрокига кўра очишга уринади. Адабий таълим илғор қарашлар, фикрлар хилма-хиллигига таяниб, бадий асарни эстетик таҳлил қилишга, ўлмас асарларнинг инсонпарварлик ғояларини очишга йўналтирилсагина мазмунан янгиланиб боради.

3. Халқ шоири Абдулла Ориповнинг Ватан мавзуини ёритувчи асарлари таҳлили ёрдамида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга эришиш мумкин;

– Ватан ва миллат ҳаётининг бадий мукамал, жонли тасвири ўқувчи-китобхон қалбига кучли таъсир кўрсатади, кўнглини забт этади. Чунки шоир ўз шеърларида юрт ва халқ тақдирига тааллуқли мавзулар орқали халқининг қувончу шодликларини, дард-у ҳасратларини ҳаққоний, таъсирчан манзараларда тасвирлай олган. Ватан ва шахс муносабатларини янгича поэтик идрок этган шоир уларнинг ўзига хос бадий тасвирини яратдики, айна хусусият ўқувчиларда юртсеварлик, миллатпарварлик каби юксак туйғулар камол топишига хизмат қилади.

4. Шоирнинг қатор шеърларида илмсизлик, разолат, ёмонлик хурوفот белгилари сифатида қораланади. Маънавий сотқинлик иллатлари жамият учун хатарли эканлиги фош этилади. Юртини «акчага сотмоқчи бўлган мусовот»га нафрат туйғусини уйғотади. Бундай асарлар сотқинлик каби иллатлар ҳақида ўйлатади, ҳаётга, ён-атрофига бепарво қараш, шунчаки кузатувчи бўлиб яшаш кайфияти ўрнига ёшларни оғоҳлик, масъуллик, юртсеварлик туйғулари билан яшашга даъват этади.

5. Интерфаол усуллар, муаммоли таълим методи; «6х6х6», «Ақлий ҳужум», «Зинама-зина», «Қарорлар шажараси», “Тарозу” каби мустақил фикрлашга, фаолликка, изланувчанликка, ижодкорликка йўлловчи илғор таълим усуллари воситасида ташкил этиладиган дарслар орқали ўқувчиларда миллий ва умуминсоний туйғуларни таркиб топтириш ва янада юксалтириш мумкин.

6. А. Орипов асарларини “Ақлий ҳужум” усули асосида ўрганиш вақтни тежаш, матн ичига чуқурроқ кириш, қисқа вақт ичида кўп дидактик амалларни бажариш, кичик гуруҳлар таркибидаги ўқувчилар фаоллигини оширишда қатта афзалликларга эга.

“Бурчаклар” ва “Тармоқлар” интерфаол усулларини қўллаш ўқувчиларда “Соҳибқирон” драмасидаги образларнинг хатти-ҳаракат ва маънавий позицияларига мустақил муносабат уйғотиш, тимсолларнинг ҳулқ-атворини баҳолаш юзасидан уларда ўзига хос ёндашувни ҳосил қилиш имконини беради.

7. Умумтаълим мактабларидаги адабий таълим жараёнини йўлга қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган педагогик воситалар бўлиши ўқув дастури, дарсликлар ҳамда методик қўлланмалар яратишда мантикий изчиллик, тизимлилик, қатъий узвийлик бўлишини таъминлаш бу босқичларда адабиёт ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

8. А.Орипов ижодини ўргатиш жараёнининг самарадорлиги таълим жараёни ташкилотчиси – ўқитувчининг ўрни, роли, маънавий-интеллектуал даражаси ва ижодкорлигига, ташкилотчилигига, илмий тадқиқотчилигига, педагогик амалиётчи сифатидаги маҳоратига боғлиқ.

9. Улуғ аждодларимиз, улкан тарихий сиймолар ҳақида яратилган асарларни таълим жараёнида ўрганиш, таҳлил қилиш воситасида ёшларда юксак инсоний туйғуларни шакллантиришга эришиш мумкин. Буюк тарихий шахслар образларини ўрганиш, уларнинг инсоний қиёфасини англатиш, амалга оширган эзгу ишларининг аҳамиятини, ушбу зотларнинг буюклигини кўрсатувчи хислатлари, кураш-интилишлари мазмунини тушунишларида «Соҳибқирон» каби бадий мукамал асарлар таҳлили ёрдам беради.

10. Адабий таълимда ўқувчи онгига шоир ҳаёти ва унинг асарлари ҳақидаги тайёр ҳукм-хулосаларни сингдиришдай самарасиз усуллардан воз кечиш зарур. Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш масаласини бевосита уларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш билан боғлаб олиб борилиши самарали йўл экани мазкур диссертация ишида асосланди. Шоирнинг ижодий қиёфасини ўқувчига тўла англатишда яратган асарларини таҳлил ва талкин қилишдан фойдаланиш; бадий асарларнинг жозибасини тўла ҳис қилиши учун ўқувчи уни ўз қалбидан ўтказиши, асарни қандай ҳис қилган ва тушунган бўлса, шу туйғу-мулоҳазаларига таяниб фикр билдириши учун қулай педагогик шароит яратиш лозим. Ўқитувчи ўқувчини ижодкорнинг туйғудош ва фикрдош ҳамкорига айланишига қўмаклашса, унинг ижодий қиёфасини ўқувчи кўз ўнгига жонлантиришга эришади. Ижодкор қалбини, руҳиятини, ҳаётга ва инсон шахсига муносабати моҳиятини англаш орқали ўқувчи шу ёзувчи ёки шоирнинг ўзига хос бадий тафаккур тарзини, яратган бадий олами мазмунини тушуна олади.

Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар:

1. Шоир ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг самарали усуллари сифатида “Зинама-зина”, “Кластер”, “Тарозу”, “Чигирик”, “Муаммоли баҳс-мунозара”дан фойдаланишни ва бу жараёнда:

а) ижодкор таржимаи ҳолига, асарларига онд ўқувчилар учун аҳамиятли бўлган қизиқарли муаммони ёки муаммоли саволларни ўртага ташлашни;

б) ижодкор асарлари асосида баҳс-мунозарага туртки берувчи фикрларни уйғотиб, қарама-қаршиликни бўрттириб, танқидий мулоҳаза ва мустақил фикрга кенг ўрин беришни;

в) таълимни қўйилган муаммодан келиб чиқиб, ижодий ташкил этишни тавсия қиламиз.

2. Ёшлар онгида маънавий бўшлиқ пайдо бўлмаслиги учун эзгу инсоний ғоялар юксак маҳорат билан тасвирланган бадий баркамол асарларни мунтазам ўқишга тавсия қилишимиз лозим. Ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини ўстириш орқали улар маънавиятини юксалтиришга ҳам эришиб борилади. Бадий асарнинг инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир кўрсатиш қудратидан адабий таълим жараёнида, тўғарак машғулотида, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб боришда фойдаланиш керак.

3. Абдулла Орипов шеърини намуналарини, «Соҳибқирон» каби тарихий шахслар бош қаҳрамон сифатида талқин этилган асарларни ўргатиш ва таҳлил қилишда диссертация хулосалари, тавсиялар ва чизмалардан амалий фойдаланиб, таълим ва тарбия жараёнига тадбиқ этиш катта самара беради.

4. Адабий таълимда биографик методдан фойдаланиш орқали асар матнида, руҳиятида, пафосида қайсидир даражада муаллиф – ёзувчи (шоир) марказий ўрин тутиши кўзда тутилса, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маиший ва бошқа масалаларга қарашлари асарлари қаҳрамонлари қиёфасида акс этишини ўқувчига тушунтириш имкони юзага келади. Шу маънода шоир Абдулла Орипов шеърлари матнини психобиографик жиҳатдан ўқувчига тушунтириш таълим самарадорлигини таъминлайди.

5. Муайян шоир ёки ёзувчи ижодини ўргатиш жараёнида унинг тафаккур тарзи, шахсияти, руҳияти, ўзига хос бадий олами тушунтиришда ижодкор услуби ҳақида назарий тушунча бериш илмий методик заруратга айланади. А.Орипов ижодидаги адабий ворислик Шарқ адабиёти, ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини, ижодий тажрибаларини тўғридан-тўғри давом эттириш тарзида, уларга тақлид шаклида эмас, балки янги поэтик топилмалар кашф қилиш орқали намоён бўладики, бу жиҳатга ўқувчилар диққатини тортиш зарур деб ҳисоблаймиз. Турли ижодий авлодлар, улар амал қилган мафкуравий ақидалар, ижодий принциплар орасидаги тафовут, яратилган асарларнинг даражаси, қиммати турлича бўлсада, уларни бирлаштириб турувчи теран робиталар – адабий ижодий анъаналар мавжудлиги; ўлмас мавзулар борлиги; адабиётнинг марказида ҳамиша инсон ва унинг сирли-сеҳрли олами туриши адабий ворисликни пайдо қилади ва яшашида давом эттиради.

Адабий таълим жараёнида А.Орипов ижоди намуналарини ўргатишда бадий ижоднинг ана шундай муҳим масалаларига ўқувчилар диққатини қаратиш ижодкор шахси ва бадий оламини теран тасаввур қилиб англаш имконини беради. Ижодкор шахси ва биографиясини ижодининг энг асосий хусусиятларига таяниб ўргатишни ҳамда шоир услуби ҳақида назарий билим беришни тавсия қиламиз.

6. Умумтаълим мактабларининг барча босқичларида Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ижодини узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида ўргатиш масаласида мавжуд камчиликларни бартараф этиш таълим самарадорлигини оширади. Ўқув дастурлари тузиш ва дарслик яратиш ишлари янада такомиллаштирилиши, амалиётчи ўқитувчиларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, уларни таълим жараёни учун зарур методик ашёлар ва қўлланмалар билан таъминлаш; методик қўлланмалардаги мақолаларнинг илмий савиясини кўтариш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Атамуродова Р.Қ. Ўқувчиларда юксак туйғуларни шакллантиришнинг илмий педагогик ва методик хусусиятлари. Методик қўлланма. – Тошкент: MEDIANASHR, 2010. – 60 б.

2. Атамуродова Р.Қ. Адабий таълим жараёнида шоир Абдулла Орипов ижодини ўргатиш усуллари. Методик тавсиялар. – Жиззах: Сангзор, 2010. – 60 б.

3. Атамуродова Р.Қ. Адабий таълим жараёнида ижодкор услубини ўргатиш усуллари. // Узлуксиз таълим. – Тошкент: 2011. 1-сон. – Б. 84-86.

4. Атамуродова Р.Қ. Адабий таълим жараёнида ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш. Баркамол авлодни тарбиялаш ва юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни алоқадорлиги: тажриба, муаммо ва ечимлар. Республика илмий амалий конференция тўплами. – Жиззах: 2011. – Б. 226-228.

5. Атамуродова Р.Қ. Ўқувчиларда юксак инсоний туйғуларни шакллантиришда адабий асар таҳлилидан фойдаланиш. // Педагогик таълим. – Тошкент: 2010. 2-сон. – Б. 134-139.

6. Атамуродова Р.Қ. Ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш (Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драматик достони мисолида) // Халқ таълими. – Тошкент: 2010. 3-сон. – Б. 64-67.

7. Атамуродова Р.Қ. Формирование у учащихся чувства патриотизма. // Исследователь. Научный журнал. – Казахстан: 2010. № 9 (53), – С. 82-83.

8. Атамуродова Р.Қ. Шодиев Х. (ҳаммуаллиф). Адабиёт дарсларида ўқувчилар ижодий тафаккурини ўстириш. // Узлуксиз таълим. – Тошкент: 2009. 4-сон. – Б. 61-66.

9. Атамуродова Р.Қ. Маънавий тарбия омиллари. // Халқ таълими. – Тошкент: 2002. 1-сон. – Б. 38-40.

10. Атамуродова Р.Қ. Ёш авлоднинг маънавий тарбияси – долзарб вазифа. // Халқ таълими. – Тошкент: 2001. 5-сон. – Б. 29-31.

11. Атамуродова Р.Қ. Талаба ёшларнинг маънавий тарбияси. // Халқ таълими. – Тошкент: 2000 й. 6-сон. – Б. 26-28.

12. Атамуродова Р.Қ. Адабий таълимда илмий-методик ҳамда технологик ёндашув тамойиллари. // Адабий таълим ва ёшлар тарбияси. Республика микёсида ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари асосидаги мақолалар тўплами. – Тошкент: 2010. – Б. 34-38.

13. Атамуродова Р.Қ. Адабиёт тўғарагида А.Орипов шеърлари таҳлили. //Тўғарақлар – ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш омили. ТДПУ илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: 2010. – Б. 179-181.

14. Атамуродова Р.Қ. Адабиёт дарсларида ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш. “Фан, таълим ва амалиёт” Илмий тўплам. – Тошкент: 2009. – Б. 96-100.

15. Атамуродова Р.Қ. Ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришда мактаб ва оила ҳамкорлиги. // Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. – Тошкент: 2009. – Б.27-28.

16. Атамуродова Р.Қ. Ўқувчилар ахлоқий тўғулари шакллантиришнинг дидактик асослари. // Олима аёлларнинг Фан-техника тараққиётида тутган ўрни. Республика илмий-амалий анжумани тўплами. – Тошкент: 2006. Б. 113-114.

17. Атамуродова Р.Қ. Ўқувчиларда ижодий фаолиятни таркиб топтиришнинг психологик масалалари. // Педагогика фанининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси тўплами. – Жиззах: 2003. – Б. 85-86.

**Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Атамуродова Роҳила Қаршиевнанинг 13.00.05 – Ижтимоий-гуманитар
фанларни ўқитиш методикаси (Ўзбек адабиёти) ихтисослиги бўйича
“Адабий таълим жараёнида Абдулла Орипов ижодини ўргатиш
усуллари” мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: адабий таълим, таҳлил, қиёслаш, дастур, дарслик, таълим мазмуни, янгиланган педагогик тафаккур, анъанавий ва ноанъанавий усуллар, интерфаол методлар, мустақил фикрлаш, педагогик технология, шоир услуби, анъана ва маҳорат.

Тадқиқот объекти: умумий ўрта таълим, академик лицейлар ва коллежлар адабий таълимида Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодини ўргатиш жараёни.

Тадқиқотнинг мақсади: шоир ҳаёти ва ижодини янгиланган педагогик тафаккур тамойилларига ҳамда илғор педагогик технологиялар, интерфаол усулларга таяниб ўргатиш мазмунини ёритиш.

Тадқиқот методи: кузатиш, анкета сўрови, суҳбат, қиёслаш, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Абдулла Орипов ижодини самарали таълим усулларига таяниб ўргатиш методикаси мазмуни ёритилганлиги; илмий хулосаларнинг тажриба-синов ишлари орқали асослангани, тавсиялар ишлаб чиқилгани; истиқболда ўқитувчилар эътибори қаратилиши лозим бўлган масалалар, илмий йўналишлари белгилангани.

Амалий аҳамияти: Ушбу тадқиқот иши яхлит ҳолда таълим ҳамда тарбия самарадорлигини таъминлашга, педагогика ва адабиёт ўқитиш методикаси фанлари раўнақига хизмат қилади. Ишнинг илмий хулосалари, материаллари билан тавсиялардан муайян шоир ҳаёти ва ижодини монографик йўсинда ўрганишда; мавзуга алоқадор тадқиқот ишлари олиб боришда; дарс ишланмалари, ўқув қўлланмалар, методик тавсиялар тайёрлашда; адабиёт ўқитиш методикаси фанидан махсус курслар ёки семинар машғулоти ўтишда; таълим-тарбия амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот этиш даражаси ва ихтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари “Халқ таълими”, “Педагогик таълим”, “Узлуксиз таълим” журналлари ҳамда чет элда чоп этилган мақолалар, шоир ҳаёти ва ижодини ўргатиш усулларига бағишланган методик қўлланма ва тавсиялар, илмий-амалий конференциялардаги маърузалар орқали амалиётга тадбиқ этилди.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижаларидан таълим босқичларида адабиёт ўқитиш жараёнида, шоир ижодини ўргатиш бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунари таълими тизимида адабиёт ўқитишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Атамуратовой Рохили каршиевны на тему: "Методы изучение творчества Абдуллы Арипова в процессе литературного образования" на соискание учёной степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.05 – методика обучения общественно-гуманитарных наук (узбекская литература).

Ключевые слова: литературное образование, анализ, толкование, программа, учебник, обновление содержания образования, традиционный и нетрадиционный метод, самостоятельное мышление, педагогическое мышление, интерактивные методы, педагогическая технология.

Объект исследования: процесс литературного образования средних школ, академических лицеев и колледжей: обучение жизни и творчеству Абдуллы Арипова на уроках литературы.

Цель исследования: изучение в узбекской методике состояния исследования проблемы преподавания жизни и творчества поэтов, опираясь на обновленные принципы педагогического мышления и прогрессивные педагогические технологии; разработка в данном процессе эффективных методов литературного анализа творчества А.Арипова.

Методы исследования: наблюдение, анкетирование, беседа, педагогический опыт, сравнительный анализ и математико-статистический анализ.

Полученные результаты и их новизна: впервые исследованы пути, приёмы обучения жизни и творчество поэта А.Арипова в качестве объекта специального литературного анализа и толкования, опираясь на принципы обновленного педагогического мышления, представлены эффективные приемы обучения.

Практическая значимость: показаны положительные стороны, обеспечивающие значительную результативность в обновлении содержания обучения литературы в годы независимости; определены вопросы, на которые необходимо направить внимание учителей, направления научного поиска; результаты могут быть использованы в написании учебных разработок, учебных пособий, методических рекомендаций; в проведении специальных курсов или семинаров по предмету методики преподавания литературы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования внедрены в практику через серию статей, опубликованных в журналах "Халқ таълими", "Педагогик таълим", "Узлуксиз таълим" в методическом пособии и методические рекомендации «Изучение жизни и творчества» в материалах научно-практических конференций.

Область применения: рекомендуется использовать результаты исследований на уроках литературы, а также в системе средне-специального и высшего образования.

RESUME

Thesis of Atamuradova Rohila Karshiyevna's on the scientific degree competetition of the candidate of pedagogical sciences on specialty 13.00.05- methods of teaching the Humanitics (uzbek literature) on the subject "The methods of study the creativity of Abdulla Aripov in the process of literary education"

Key words: Literary education, analysis, interpretation, curriculum, tutorial, updating of the contents of education, traditional and non-conventional method, independent thinking, pedagogical thinking, interactive methods, pedagogical technology.

Subject of the research: process of school literary education: teaching the life and creativity of Abdulla Aripov at literature lessons.

Aim of the research: study of the state of research upon the problem of teaching the life and creativity of writers, in the Uzbek Methodology; basing on the updated principles of pedagogical thinking and the newest pedagogical technologies; working out effective methods of the literary analysis of the creativity of A.Aripov in the given process.

Methods of research: observation, questionnaire, conversation, pedagogical experience, comparative analysis and mathematical and statistic analysis.

The results achieved and their novelty: for the first time the life and creativity of a writer are studied as an object of the special literary analysis and interpretation, basing on the principles of the updated pedagogical thinking: methodic features of literary analysis and interpretation are highlighted, effective teaching techniques are submitted.

Practical value: positive sides providing significant productivity in updating the contents of teaching the literature within the years of independence are shown: issues, on which it is necessary to direct attention of teachers and directions of scientific study, are determined; results of research may be used un writing text-books, manuals, methodic recommendations; in conducting special courses or seminars on subjects of methods of teaching literature.

Degree of embed and economic efficiency: results of the research are introduced into practice through a series of articles published magazines :Til va adabiyot ta'limi" "Khalq ta'limi", "Talim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar", in the methodical manual "Study of the life and creativity of a writer, basing on a method of literary analysis and interpretation", in the materials of scientific – practical conferences.

Field of application: it is recommended to use results of researches at literature lessons, and also in the system of higher and special secondary education.

Ph -



Bosishga ruxsat etildi: 21.04.2011.

Qog'oz bichimi 60x84 $\frac{1}{16}$ Hajmi 1,75 b.t.

Adadi 100 nusxa. Buyurtma №7.

“BAYOZ” MCHJ matbaa korxonasida chop etildi.

100100, Toshkent sh. Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy